

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR  
MIRZO ULUG'BEK TUMANI HOKIMLIGI HUZURIDAGI  
TADBIRKORLIK SUB'EKTLARIGA  
DAVLAT HIZMATLARI KO'RSATISH  
"YAGONA DARCHA" MARKAZI  
**RO'YXATGA OLINDI**  
2016 yil "10" o2 № 04-0001331



«O'zneftgazinformatika» AJ  
акциядорларнинг навбатдан ташқари  
ўтказилган умумий йиғилиши қарори билан  
«ТАСДИҚЛАНГАН»



умумий йиғилиш раиси  
Аношкина А.А.

*[Signature]*

2016 йил 05 феврал

**«O'zneftgazinformatika» акциядорлик жамиятининг Низомига  
киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар  
МАТНИ**

№	Амалдаги тахрир	Янги тахрир
1.	1.2. Жамиятнинг тўлиқ номи: «O'zneftgazinformatika» акциядорлик жамияти Жамиятнинг қисқартирилган номи: «O'zneftgazinformatika» АЖ.	1.2. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ расмий номи (лотин алифбосида): «O'zneftgazinformatika» aksiyadorlik jamiyati  Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ расмий номи (кирил алифбосида): «O'zneftgazinformatika» акциядорлик жамияти  Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган номи (лотин алифбосида): «O'zneftgazinformatika» AJ  Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган номи (кирил алифбосида): «O'zneftgazinformatika» АЖ  Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ расмий номи: Акционерное общество «Узнефтегазинформатика»  Рус тилидаги қисқартирилган номи: АО «Узнефтегазинформатика»
2.	3.6. бандининг 2-хатбошиси: Низом жамғармасини ошириш мақсадида эълон қилинган акцияларнинг миқдор чегараси 72 177 дона эгаси ёзилганноминал	3.6. бандининг 2-хатбошиси: Жамият низом жамғармасини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришига ҳақли

	қиймати 1000 сўм бўлган акциялардан ташкил топади ва уларнинг умумий қиймати 72 177 000 сўмни ташкил қилади.	бўлган эълон қилинган акцияларининг миқдори номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўмлик 110 000 (бир юз ўн минг) дона умумий қиймати 110 000 000 (бир юз ўн миллион) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.
3.	4.2. Жамиятнинг Низом жамғармасини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.	4.2. Жамиятнинг Низом жамғармасини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, агар акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Жамиятнинг кузатув кенгашига бундай қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.
4.	4.5. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли орқали Жамият Низом жамғармасини ошириш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.	4.5. Жамиятнинг Низом жамғармасини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, агар акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Жамиятнинг кузатув кенгашига бундай қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.
5.	5.7. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисоб варағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан берилган депо ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.	5.7. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисоб варағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан берилган депо ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.
6.	8.1. бандининг 3-хатбошиси: • Депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;	8.1. бандининг 3-хатбошиси: • Инвестиция воситачисидagi депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
7.	8.3. Акциядорларнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат: • мазкур Низомда кўзда тутилган тартибда,	8.3. Акциядорларнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат: • мазкур Низомда кўзда тутилган тартибда,

	<p>миқдорда ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мазкур Низом билан белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш;</li> <li>• мазкур Низомда кўзда тутилган доирада Жамиятни бошқариш органларнинг қарорларига бўйсиниш;</li> <li>• Жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотларни ошкор этмаслик.</li> </ul>	<p>миқдорда ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• аффилиланганлик асослари вужудга келган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай жамиятни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда ўзининг аффилиланганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилиш;</li> <li>• ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачисини ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш;</li> <li>• Жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотларни ошкор этмаслик.</li> </ul>
8.	<p>9.6. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:</p> <p>...</p> <p>л) Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш; Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи</p> <p>акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан Кузатув кенгашига ҳал қилиши учун берилиши мумкин;</p> <p>...</p>	<p>9.6. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:</p> <p>...</p> <p>л) Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш; жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи</p> <p>акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан Кузатув кенгашига ҳал қилиши учун берилиши мумкин;</p> <p>...</p>
9.	<p>9.6. банднинг т) кичик банди чиқариб ташлансин.</p> <p>“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш; бу масала акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин;</p>	<p>9.6. банднинг у), ф), х), ц), ч), ш) кичик бандлари мос равишда т), у), ф), х), ц), ч) деб ўқилсин.</p>
10.	<p>10.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• жамият фаолиятининг устувор</li> </ul>	<p>10.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• жамиятни ривожлантириш стратегиясига</li> </ul>

	<p>йўналишларини белгилаш; ...</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>агар акциядорлар умумий йигилишининг қарори билан кузатув кенгашига бундай ҳуқуқ берилган бўлса, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш; ...</li> </ul>	<p>эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш; ...</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш; ...</li> </ul>
11.	<p>11.2. банднинг охириги иккита хатбошилари: «Бошқарув раисини тайинлаш туғрисидаги акциядорлар умумий йигилиши ёки Кузатув кенгаши қарори, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият бошқаруви аъзолари танлов асосида тайинланишлари мумкин».</p>	<p>11.2. банднинг охириги иккита хатбошилари: «Акциядорлар Умумий йигилиши ёки Кузатув кенгашининг қарорига кўра Жамият Бошқарув раиси ва аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади».</p>
12.	<p>14.4. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.</p>	<p>14.4. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан ўн кун аввалдаги санадан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.</p>
13.		<p>14.5. банд қуйидаги таҳрирда киритилсин: Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.</p>